

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	24167,6	108,0
Саноат маҳсулоти	15441,1	108,0
Истеъмол товарлари	4828,0	111,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	6081,3	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7099,3	104,8
Қурилиш ишлари	3936,0	111,5
Юк айланмаси, млрд. тн–км	35,2	94,0
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	35,7	109,1
Чакана товар айланмаси	9588,9	110,3
Пуллик хизматлар	3390,4	112,0
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	9825,1	99,2
Экспорт	6185,2	114,3
Импорт	3639,9	81,1


## Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг январ–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 24167,6 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 108,0 фоизни ташкил қилди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 77,5 фоизи (2009 йилнинг январ–июнида 76,5 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 22,5 фоизи (23,5 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.

Январ–июнда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:


якунга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар мулки
- Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

## ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

### яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан ЯИМ умумий ҳажмининг 41,1 фоизи (2009 йилнинг январ-июнида – 40,9 фоизи) ишлаб чиқарилди. Шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 25,0 фоизи (2009 йилнинг январ-июнида – 24,6 фоизи) тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот реал ҳажмининг сезиларли ўсиши Сирдарё (111,2 фоиз), Наманган (111,1 фоиз), Самрақанд (111,0 фоиз), Андижон (109,6 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (108,5 фоиз) кузатилди.

### Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 510,8 мингга етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 476,0 мингтани (жами

рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,2 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 27,1 фоизи), қишлоқ хўжалиги (фермер хўжаликларисиз 20,6 фоизи), саноат (12,2 фоизи) ва қурилиш (8,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2010 йилнинг 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>284,0</b>	<b>100,0</b>	<b>252,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
саноат	34,8	12,2	29,1	11,6
қурилиш	22,7	8,0	18,7	7,4
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	58,4	20,6	55,8	22,1
транспорт ва алоқа	9,5	3,3	8,4	3,3
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	16,5	5,8	14,4	5,7
савдо ва умумий овқатланиш	76,8	27,1	63,3	25,1
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,9	1,4	3,4	1,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	10,4	3,7	9,9	3,9
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,1	7,4	20,6	8,2
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	29,9	10,5	28,6	11,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 52,1 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,4 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл

сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 17,8 фоизи бошқа мулкчилик шакллари.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июл ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилнинг январ–июнида жами 27,2 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 15,8 фоизи), Фарғона (10,2 фоизи), Қашқадарё (8,7 фоизи), Тошкент (8,0 фоиз) ва Самарқанд (7,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 27,9 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 23,2 фоизи қишлоқ хўжалиги, 17,1 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 15,2 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 2 мингдан ошиқроғи ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 51,1 фоизи қишлоқ хўжалиги, 22,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 8,8 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2010 йилнинг январ–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

ялпи ички маҳсулотнинг 41,1 фоизи (2009 йилнинг январ–июнида 40,9 фоизи) ишлаб чиқарилди;

8499,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6644,8 минг нафари индивидуал сектор, 1854,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2583,3 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,7 фоизи) ташкил қилди ва 2009й. январ–июнига нисбатан 22,1 фоизга ўсди;

1969,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 27,7 фоизи) ўзлаштирилди, 1868,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 47,5 фоизи) бажарилди ва 2009й. январ–июнига нисбатан 127,5 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 7,4 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,0 фоизи), йўловчи айланмаси 8,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 83,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 48,4 фоизи ёки 4639,5 млрд.сўми (ўсиш 21,3 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 42,4 фоизи ёки 1436,2 млрд. сўми (ўсиш 9,7 фоиз) шакллантирилди;

652,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 10,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (2009й. январ–июнига нисбатан 92,1 фоиз), 1384,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 38,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди (2009й. январ–июнига нисбатан 66,3 фоиз).

Жорий йилнинг январ–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсу- лоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	2583,3	36,3


	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсу- лоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ хўжалиги	5959,4	100,0
Қурилиш	1868,4	76,4
Чакана савдо	4639,5	99,8
Пуллик хизматлар	1436,2	70,1
Юк ташиш, млн.тн	165,4	79,9
Йўловчи ташиш, млн.киши	2227,2	96,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	652,7	6,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	1384,1	17,8

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 7913,4 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 93,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳисобот даврида 54 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича хусусийлаштирилган объектларнинг 37,0 фоизи), Тошкент ва Хоразм (11,1 фоиздан), Андижон (9,3 фоизи), Сурхондарё (7,4 фоизи), Бухоро ва Фарғона (5,6 фоиздан) вилоятларига тўғри келди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (51,8 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (18,5 фоиз), «Ўзбекенгилсаноат» ДАК (5,6 фоиз), Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси (3,7 фоиздан) объектлари ташкил қилади.

Жорий йилнинг январ-июнида хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
---	-------------------------------

Жами	54	100,0
шу жумладан:		
Ҳокимиятлар	28	51,8
Молия вазирлиги	2	3,7
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	10	18,5
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2	3,7
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК	3	5,6
Фанлар академияси	2	3,7
Бошқа вазирлик ва идоралар	7	13,0

Жорий йилнинг январ–июнида хусусийлаштириш ва давлат та–сарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 10,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (хусусийлаш–тиришдан олинган барча пул маблағларининг 48,2 фоизи), Фарғона (18,1 фоиз), Тошкент (13,0 фоиз), Бухоро (5,2 фоиз) ва Навоий (2,8 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2010 йилнинг январ–июнида ташқи савдо айланмаси 9825,1 млн. АҚШ долларини, жумладан МДҲ давлатлари билан 3953,5 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан 5871,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 6185,2 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 3639,9 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 169,9 фоизни (ўтган йилнинг январ–июнида 120,6 фоизни) ташкил қилди.


Ижобий ташқи савдо сальдоси 2545,3 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1052,3 млн. АҚШ доллари, бошқа мамлакатлар билан 1493,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2010 йилнинг январ–июнида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

млн. АҚШ доллари	2009й.
	январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида

	млн. АҚШ доллари	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>9825,1</b>	<b>99,2</b>
МДҲ мамлакатлари	3953,5	95,6
бошқа мамлакатлар	5871,6	101,9
<b>Экспорт</b>	<b>6185,2</b>	<b>114,3</b>
МДҲ мамлакатлари	2502,9	113,4
бошқа мамлакатлар	3682,3	114,9
<b>Импорт</b>	<b>3639,9</b>	<b>81,1</b>
МДҲ мамлакатлари	1450,6	75,1
бошқа мамлакатлар	2189,3	85,6
<b>Сальдо</b>	<b>2545,3</b>	<b>x</b>
МДҲ мамлакатлари	1052,3	x
бошқа мамлакатлар	1493,0	x

Январ–июнда ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа мамлакатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг  
ўзгариш динамикаси**

	таркиби, % ҳисобида	
	2010й. январ–июн	2009й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>	<b>114,3</b>
пахта толаси	10,1	108,1
озиқ–овқат маҳсулотлари	6,5	165,6
улардан истеъмол маҳсулотлари	5,9	159,7
кимё ва ундан тайёрлан- ган маҳсулотлар	4,7	104,2
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	25,1	77,0
қора ва рангли металллар	6,9	172,1
машина ва ускуналар	4,6	2,0м.
хизматлар	9,5	117,6
бошқалар	32,6	143,2
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>	<b>81,1</b>
озиқ–овқат маҳсулотлари	11,0	99,7
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган ис- теъмол маҳсулотлари	5,7	98,8
кимё ва ундан тайёрлан- ган маҳсулотлар	14,8	110,2
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,3	86,2
қора ва рангли металллар	7,9	100,1
машина ва ускуналар	45,6	64,7
хизматлар	5,2	99,0
бошқалар	12,2	107,3

## Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2010 йилнинг январ–июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2009 январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	27,1	119,1
Хитой	8,3	70,1
Қозоғистон	7,6	107,4
Корея Республикаси	5,8	110,7
Туркия	4,5	173,0
Афғонистон	4,2	123,2
Эрон	3,4	115,7
Украина	2,5	28,8
Германия	2,3	93,0
АҚШ	1,0	78,6
Франция	0,9	76,6

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2009 январ– июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Сингапур	0,8	2,1м.
Буюк Британия	0,8	94,2
Туркманистон	0,8	84,4
Қирғизистон	0,7	92,0
Швейцария	0,7	13,6
Белоруссия	0,7	97,7
Ҳиндистон	0,7	113,2
Япония	0,6	96,4
Тожикистон	0,6	67,3
Латвия	0,6	94,5
Италия	0,6	101,3
БАА	0,6	97,3
Австрия	0,3	81,2
Нидерландия	0,3	119,8
Бельгия	0,2	81,1
Озарбайжон	0,1	39,0


2010 йилнинг январ–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

## Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




## Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

## Саноат

2010 йилнинг январ–июнида саноат маҳсулоти ҳажми 15441,1 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан 108,0 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 4828,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 111,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2058,6 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 2769,4 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 109,0 фоиз ва 113,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2010 йилнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>15441,1</b>	<b>108,0</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>электроэнергетика</b>	<b>1386,2</b>	<b>104,9</b>
<b>ёқилғи саноати</b>	<b>3101,2</b>	<b>104,3</b>
<b>қора металлургия</b>	<b>391,2</b>	<b>102,9</b>
<b>рангли металлургия</b>	<b>1810,0</b>	<b>103,3</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>719,3</b>	<b>105,8</b>
<b>машинасозлик ва металлни     қайта ишлаш</b>	<b>2418,2</b>	<b>111,9</b>
<b>ёғочни қайта ишлаш     ва целлюлоза–қоғоз саноати</b>	<b>147,0</b>	<b>121,7</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>690,5</b>	<b>100,8</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>2156,5</b>	<b>115,2</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>1896,9</b>	<b>110,8</b>
<b>Истеъмол товарлари</b>	<b>4828,0</b>	<b>111,8</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>озиқ–овқат маҳсулотлари</b>	<b>2058,6</b>	<b>109,0</b>



Январ-июнда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт-кимё саноати
- Машинасозлик ва метални қайта ишлаш
- Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ-овқат саноати
- Бошқа тармоқлар

**Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

2009 йил январ-июн	2009 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
--------------------	--

**Ёқилғи –энергетика саноати**

	2009 йил январ–июн	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	25,9	103,1
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	9,6	98,9
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	1,9	80,3
Бензин, минг тн	692,5	87,6
Дизел ёқилғиси, минг тн	588,3	88,0
Мазут, минг тн	185,3	65,8
Керосин, минг тн	181,9	92,0
Мой, минг тн	127,3	93,2
Суюқлантирилган газ, минг тн	125,2	99,1
Табиий газ, млн. куб. м	30547,5	96,2
<b>Қора металлургия</b>		
Пўлат, минг тн	379,5	98,9
Тайёр прокат, минг тн	357,2	99,5
<b>Кимё ва нефт–кимё саноати</b>		
Сунъий аммиак, минг тн	670,3	99,3
Минерал ўғитлар, минг тн	557,1	97,2
Карбамид, минг тн	259,3	94,4
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	2039,9	95,4
Олтингугурт кислотаси, минг тн	613,5	115,7
Кимёвий тола ва иплар, тн	7966,0	135,2
Калцийлаштирилган сода, минг тн	46,9	117,0
<b>Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати</b>		
Енгил автомобиллар, минг дона	102,6	113,6
Юк автомобиллар, дона	415	129,3
Автобуслар, дона	627	93,7
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млрд.сўм	85,1	102,8
Тракторлар, дона	1278	86,5
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	10017	105,4
Кабель маҳсулотлари, млрд.сўм	114,9	127,7
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>		

	2009 йил январ–июн	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, минг тн	3454,8	100,1
Шифер, млн. шартли плитка	163,5	74,6
Ўйма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	65,8	79,6
<b>Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати</b>		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	5599,0	137,7
Бутилкалар, млн. дона	55,2	39,7
<b>Енгил саноат</b>		
Пахта толаси, минг тн	638,6	102,8
Чигит, минг тн	880,3	95,1
Ипак тола, тн	104,5	4,1р
Пахта ип калаваси, минг тн	98,4	149,1
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	24,4	139,4
Трикотаж матоси, тн	9888,0	189,4
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	91,3	2,8р
Тикув маҳсулотлари, млрд.сўм	13,0	88,4
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	294,1	194,8
<b>Озиқ–овқат саноати</b>		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	6,7	68,9
Шакар, минг тн	150,0	115,1
Ўсимлик ёғи, минг тн	103,3	88,9
Макарон маҳсулотлари, минг тн	11,0	106,1
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	4610,0	106,2
Вино, минг дал	909,0	82,6
Пиво, млн. дал	13,0	122,6
Маъданли сув, млн. ярим литр	95,1	76,8
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	6762,0	111,6


	2009 йил январ–июн	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ун–ёрма ва омихта ем саноати</b>		
Ун, минг тн	493,5	73,1
Омихта ем, минг тн	383,9	110,0

### Қишлоқ хўжалиги

2010 йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6081,3 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 3334,8 млрд. сўмни (107,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 2746,5 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил этди.

Январ–июн ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

#### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Деҳқончилик.** Жорий йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 54,8 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июл ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3687,6 минг гектар (2009 йил ҳосили учун экилган майдондан 130,2 минг гектарга кўп) майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1671,6 минг гектар (2009 йилга нисбатан 73,4 минг гектарга кўп), пахта экин майдони 1341,5 минг гектар (3,0 минг гектарга кам), картошка – 70,4 минг гектар (11,0 минг гектарга кўп), сабзавот экинлари – 171,0 минг гектар (15,2 минг гектарга кўп), озуқа экинлари – 313,9 минг гектар (29,9 минг гектарга кўп) майдонни ташкил қилди.

2010 йил ҳосили учун экилган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони қуйидагича ифодаланади:

	минг.га	2009 йилнинг 1 июлига нисбатан фоиз ҳисобида	Жами майдонга нисбатан, фоизда
Жами экин майдони	3687,6	103,7	100,0
Донли экинлар	1671,6	104,6	45,3
шу жумладан:			
бошоқли дон	1559,2	103,1	42,3
шундан:			
буғдой	1465,9	108,5	39,8
шоли	65,1	164,3	1,8
дон учун маккажўхори	26,8	94,6	0,7
Техник экинлар	1414,4	99,8	38,4
шу жумладан пахта	1341,5	99,8	36,4
Картошка	70,4	118,5	1,9
Сабзавотлар	171,0	109,8	4,6
Полиз экинлари	46,3	109,6	1,3
Озуқа экинлари	313,9	110,5	8,5

Ҳосил йиғими. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5584,0 минг тонна дон экинлари етиштирилиб, жумладан 5576,8 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 5444,9 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

2009 йилнинг шу даврига нисбатан дон етиштириш Қорақалпоғистон Республикасида (38,6 фоизга), Сирдарё (20,0 фоизга), Қашқадарё (10,4 фоизга), Навоий (4,7 фоизга), Жиззах (4,7 фоизга),

Тошкент (4,3 фоизга), Самарқанд (3,6 фоизга), Фарғона (3,2 фоизга) вилоятларида кўпайди.

Ҳисобот даврида 778,7 минг тонна картошка, 1464,9 минг тонна сабзавот, 95,9 минг тонна полиз экинлари, 519,2 минг тонна мева ва резаворлар ва 13,7 минг тонна узум етиштирилди.

Чорвачилик. Жорий йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачиликнинг улуши 45,2 фоизни ташкил этди.

2009 йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар 542,5 минг бошга (6,7 фоизга), шу жумладан сизирлар 202,0 минг бошга (5,9 фоизга), қўй ва эчкилар 836,3 минг бошга (5,8 фоизга), паррандалар 4010,4 минг бошга (13,6 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида барча тоифадаги хўжаликларда 681,1 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 2809,8 минг тонна сут (6,9 фоизга кўп), 1430,0 млн. дона тухум (15,3 фоизга кўп), 13,8 минг тонна жун (5,6 фоизга кўп), 824,1 минг дона қорақўл тери (3,9 фоизга кўп), 25,2 минг тонна пилла (5,0 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши 95,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 96,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 55,3 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1596,9 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан 107,6 фоизни ташкил қилди.

2009 йилнинг 1 июлига нисбатан фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 19,2 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 фоизга), шу жумладан сизирлар 5,5 минг бошга (3,4 фоизга), қўй ва эчкилар 115,6 минг бошга (10,7 фоизга), паррандалар 923,5 минг бошга (31,5 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	ишлаб чиқариш		ўсиш суръати, фоизда
	минг тонна	умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Бошоқли дон	4631,5	83,0	105,5
шу жумладан буғдой	4514,6	82,9	106,2
Картошка	70,5	9,0	123,7

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Сабзавотлар	240,3	16,4	126,3
Полиз экинлари	42,6	44,4	117,6
Мевалар	178,7	34,4	115,6
Узум	3,6	26,3	129,3
Гўшт, тирик вазнда	15,4	2,3	113,5
Сут	83,2	3,0	117,4
Тухум, млн. дона	112,5	7,9	175,5
Жун, тонна	983	7,1	108,6
Қоракўл, минг дона	36,1	4,4	102,2
Пилла	24,6	97,9	106,1

Пиллачилик. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 25159,5 тонна пилла хом ашёси тайёрланган бўлиб (2009 йилга нисбатан 105,0 фоиз), шундан 0,5 тоннаси олий нав, 10,2 тоннаси элита нав, 222,6 тоннаси насли, 9476,7 тоннаси биринчи нав, 6890,9 тоннаси иккинчи нав, 940,7 тоннаси ностандарт, 5264,1 тоннаси навсиз, 2353,8 тоннаси қорапачоқдир.

## Инвестициялар ва қурилиш

2010 йилнинг январ–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар 7099,3 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди.

2010 йилнинг январ–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

Жами инвести	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича
-----------------	---

	циялар, млрд. сўм	Бюджет маблағ- лари <sup>1</sup>	кор- хоналар ва аҳоли маб- лағлари	чет эл инвес- тиция- лари ва кредит- лари	банк кредит- лари ва бошқа қарз маб- лағлари	бюд- жетдан ташқари фондлар маб- лағлари <sup>2</sup>
<b>Жами</b>	<b>7099,3</b>	<b>6,0</b>	<b>44,8</b>	<b>37,1</b>	<b>7,3</b>	<b>4,8</b>
шу шумла- дан мулк- чилик шакллари бўйича:						
давлат	1387,3	30,5	40,9	6,9	1,1	20,6
нодавлат	5712,0	0,1	45,7	44,4	8,8	1,0

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвести-  
циялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2010й. январ-июн	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
<b>Жами</b>	<b>7099,3</b>	<b>100,0</b>
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>5108,5</b>	<b>72,0</b>
<b>саноат</b>	<b>1631,2</b>	<b>23,0</b>
шу жумладан:		
ёқилғи-энергетика саноати	585,5	8,3
металлургия	326,5	4,6
кимё ва нефт-кимё саноати	56,6	0,8
машинасозлик	208,5	2,9
енгил саноат	167,8	2,4

<sup>1</sup> Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси  
маблағларини қўшган ҳолда

<sup>2</sup> Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда



2010й.  
январ–июн

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
озиқ–овқат саноати	96,2	1,4
қурилиш материаллари саноати	97,0	1,4
қишлоқ хўжалиги	198,2	2,8
қурилиш	123,4	1,7
транспорт ва алоқа	2577,5	36,3
савдо	283,7	4,0
геология ва ер ости бойликларини излаш	215,0	3,0
бошқалар	79,5	1,2
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>1990,8</b>	<b>28,0</b>
уй–жой қурилиш	1108,0	15,6
коммунал хўжалик	168,1	2,4
соғлиқни сақлаш	150,5	2,1
таълим	246,8	3,5
маданият ва санъат	34,1	0,5
бошқалар	283,3	3,9


Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 5108,5 млрд. сўми ёки 72,0 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 1990,8 млрд.сўми ёки 28,0 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йуналтирилди.

Январ–июнда иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда

2009й.

2010й.



### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 1108,0 млрд.сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 55,7 фоизни ташкил этди.

2010 йилнинг январ-июнида умумий майдони 4417,5 минг кв. м. бўлган 37,6 мингта уй-жой (2009 йил январ-июнига нисбатан 110,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 3113,7 минг кв.м. (119,3 фоиз) уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан таълим объектларининг қурилишига 246,8 млрд. сўм (умумий ҳажмга нисбатан 12,4 фоиз), соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига 150,5 млрд. сўм (7,6 фоиз), коммунал қурилишга 168,1 млрд. сўм (8,4 фоиз) сарфланди.

Академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 149,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 7,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 60,7 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга 37,2 млрд. сўмлик, бошқа соғлиқни сақлаш объектларига 14,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланган инвестицияларнинг мос равишда 24,7 ва 9,4 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 53,9 млрд. сўм, шундан чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 16,3 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 30,3 фоизи), бюджет маблағлари ҳисобига 25,3 млрд. сўм (46,9 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 7,9 млрд. сўм (14,7 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 7,3 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 7,0 млрд. сўм (96,8 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. Жорий йилнинг январ–июнида 3936,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 111,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 86,6 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 11,8 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,6 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

Юк ташиш. Жорий йилнинг январ–июнида барча транспорт турлари томонидан 536,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди. Юк айланмаси


35,2 млрд.тн–км.ни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94,0 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–июн	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	536,6	110,9
темир йўл транспортида	27,5	105,3
автомобил транспортида	481,9	113,1
ҳаво транспортида, минг тн	14,1	2,8м.
қувур йўллари орқали	27,2	85,8
Юк айланмаси, млрд. тн–км	35,2	94,0
темир йўл транспортида	10,8	101,8
автомобил транспортида	10,1	105,5
ҳаво транспортида, млн. тн–км	82,9	2,5м.
қувур йўллари орқали	14,2	82,5

Январ–июнда транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



2010 й. январ–июнда асосий юкларни магистрал темир йўл транспортарида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	МИНГ тонна	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>27522,1</b>	<b>105,3</b>
<b>шу жумладан:</b>		
тошкўмир	1331,5	115,4
нефт маҳсулотлари	7042,7	119,3
қора металллар	521,0	82,8
қора метал темир–терсаклари	528,5	109,7
кимёвий ва минерал ўғитлар	2210,9	84,2
қурилиш материаллари	3362,4	78,0
цемент	2991,9	161,8
ёғоч–тахта материаллари	47,1	52,6

2009 йил  
январ–июнига  
нисбатан фоиз  
ҳисобида

дон ва янчилган дон маҳсулотла-  
ри

621,5

141,1

Автомобил транспортида 481,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2009й. январ–июнига нисбатан 13,1 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 10,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 5,5 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2009й. январ–июн даражасидан 7,8 фоизга кўпайди ва 7,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 69,8 фоизни (2009й. январ–июнида – 68,3 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 14,1 минг тонна юк жўнатилиб, 2009й. январ–июнига нисбатан 2,8 мартага, юк айланмаси эса 2,5 мартага кўпайди ва 82,9 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 14,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2009й. январ–июнига нисбатан 17,5 фоизга камайди.

Йўловчи ташиш. 2010й. январ–июнида барча транспорт турлари томонидан 2909,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009й. январ–июнига нисбатан 6,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 9,1 фоизга кўпайиб, 35,7 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–июн	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
--	---------------------	---

Транспортда ташилган йўлов-  
чилар, млн. киши

2909,0

106,2

темир йўл транспортида

7,4

103,1

автомобил транспортида

2852,1

106,6

ҳаво транспортида

0,9

125,9

шаҳар электр транспортида

48,6

88,0

Йўловчи айланмаси,  
млн. йўловчи–км

35671,2

109,1

темир йўл транспортида

1403,8

114,1

автомобил транспортида

31393,0

108,5

ҳаво транспортида

2567,6

117,8

	2010й. январ–июн	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
шаҳар электр транспортида	306,8	89,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,0 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,0 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 3,1 фоизга кўпайди ва 7,4 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 14,1 фоизга ўсди ва 1403,8 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 918,1 мингта йўловчи ташилди, бу 2010й. январ–июнига нисбатан 25,9 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 2567,6 млн. йўловчи–кмни ташкил этиб, 17,8 фоизга кўпайди.

Троллейбус транспорти орқали 57,9 фоизга, трамвай транспорти орқали 16,9 фоизга, метрополитен транспорти орқали 5,8 фоизга кам йўловчи ташилган.

### Товарлар ва хизматлар бозори

2010й. январ–июнда чакана товар айланмаси 9588,9 млрд. сўмни ва 2009й. январ–июнига нисбатан 110,3 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 49,0 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 51,0 фоизни ташкил қилди (2009й. январ–июнида мос равишда – 50,0 ва 50,0 фоиз).

2010й. январ–июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фо– из ҳисобида
Жами	9588,9	110,3	100,0
давлат мулки	16,6	147,6	0,2

	млрд. сўм	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фо– из ҳисобида
нодавлат мулки	9572,3	110,2	99,8
ундан фуқароларнинг ху– сусий мулки	7091,6	103,4	74,0

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 4093,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2009й. январ–июнига 10,6 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 42,7 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 23,1 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 11,1 фоизга ошди ва 3425,2 млрд. сўмга етди, унинг чакана савдо айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 35,7 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 2070,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2009й. январ–июнига нисбатан 8,4 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 21,6 фоизни ташкил қилди.

2010й. январ–июнда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	9588,9	110,3	100,0
савдо корхоналари	4093,1	110,6	42,7
бозорлар	5495,8	110,1	57,3
улардан:			



	млрд. сўм	2009й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	2070,6	108,4	21,6
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	3425,2	111,1	35,7

Жорий йилнинг январ–июнида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 3390,4 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 112,0 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 70,3 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 2384,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 13,9 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,6 фоизга ўсиб, 1006,1 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 29,7 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 76,8 фоизни ташкил қилди.

2010 йил январ–июнда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>3390,4</b>	<b>100,0</b>
давлат мулки	787,1	23,2
нодавлат мулки	2603,3	76,8
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	1114,2	32,9

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 8,9 фоизни ёки 301,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2009й. январ–июнига нисбатан 22,1 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 87,6 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу

секторнинг хизматлар ҳажми 264,4 млрд. сўмни ташкил қилди ва 21,5 фоизга ошди.

Жорий йилнинг январ–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 14686,8 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 3591,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,5 фоизини ташкил қилди. 2009 йилнинг январ–июнига нисбатан хизматлар реал ҳажмининг ўсиш суръати 110,9 фоизни ташкил этди.

2010 январ–июнда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	14686,8	110,9	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматла- ри	2639,2	115,3	18,0
Транспорт хизматлари	4632,0	103,6	31,5
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда	958,6	105,5	6,5
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда	1257,6	118,5	8,6
Туризм–саёҳат хизматлари	18,7	111,4	0,1
Меҳмонхона хизматлари	48,6	115,6	0,4
Коммунал хизматлар	1922,5	101,5	13,1
Маиший хизматлар	268,1	120,5	1,8
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	150,6	128,7	1,0
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини қўшган ҳолда	2790,9	124,9	19,0

Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (128,7 фоиз), маиший хизматлар (120,5 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда (118,5 фоиз), меҳмонхона хизматларида (115,6 фоиз) юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида турлари бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 31,5 фоизи), савдо ва овқатланиш (18,0 фоизи), коммунал (13,1 фоизи), молиявий (8,6 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (6,5 фоизи) хизматларига тўғри келди.

## Нарх-наво ва инфляция

### Январ-июнда нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (наrx-навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		июн оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2009й.	2010й.	2009й.	2010й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	3,6	4,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,6	0,5	3,7	3,0
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	0,2	0,4	1,3	2,3
хизматлар	1,1	1,5	6,5	9,4
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	3,6	1,2	23,3	7,5
Юк ташиш тарифларининг индекси	-0,9	2,4	-5,0	15,3
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,6	0,6	3,5	3,9

### Январ-июнда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2009й.	2010й.
Жами	123,3	107,5

	2009й.	2010й.
<b>шу жумладан:</b>		
Электрэнергетика	102,9	104,1
ёқилғи саноати	122,3	100,9
қора металлургия	150,6	110,5
рангли металлургия	219,1	106,1
кимё ва нефт-кимё саноати	100,6	109,2
машинасозлик	100,5	112,2
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	101,9	104,8
қурилиш материаллари саноати	104,8	120,7
енгил саноат	99,2	107,2
озиқ-овқат саноати	105,5	106,1
ун-ёрма саноати	100,0	100,0

**Январ-июнда транспорт турларида  
юк ташиш тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2009й.	2010й.
<b>Юк транспорти – жами</b>	<b>95,0</b>	<b>115,3</b>
<b>шу жумладан:</b>		
темир йўл транспорти	111,1	112,3
автомобил транспорти	110,0	101,4
ҳаво транспорти	117,2	85,8
қувур йўллари	88,3	118,8

**Январ-июнда юридик шахслар учун  
алоқа хизматлари тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2009й.	2010й.
--	--------	--------

	2009й.	2010й.
<b>Жами хизматлар</b>	<b>103,5</b>	<b>103,9</b>
<b>шу жумладан</b>		
почта алоқаси	100,0	115,4
шаҳар телефон алоқаси	100,0	103,8
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	100,0	107,8
уяли алоқа	107,0	105,3

### Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2010 йилнинг январ–майида 30,7 фоизга, пул харажатлари ва жамғармалари 30,4 фоизга кўпайди.

2010 йилнинг январ–майида аҳолининг номинал пул даромадлари ва харажатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	салмоғи, фоизда	2009 й. январ–майига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами пул даромадлари</b>	<b>100,0</b>	<b>130,7</b>
<b>шу жумладан:</b>		
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	42,1	139,2
ижтимоий трансфертлар	16,4	128,5
тадбиркорлик даромадлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган ҳолда) ва бошқа даромад- лар	41,5	123,9

	салмоғи, фоизда	2009 й. январ–майга нисбатан фоиз ҳисобида
Пул даромадларининг сарфланиши	98,0	130,4
шу жумладан:		
истеъмол харажатлари	74,6	128,1
мажбурий тўловлар ва бадаллар	8,3	133,1
омонатларда, қимматли қоғозларда жамғармаларни йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқа харажат- лар	15,1	141,7

Аҳоли номинал пул даромадларининг асосий қисми (74,6 фоизи) истеъмол товарларини сотиб олиш ва кўрсатилган хизматларга тўлашга сарфланди. Истеъмол харажатлари 2009 йилнинг январ–майи билан солиштирилганда 28,1 фоизга кўпайди.

Мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳиссасига пул даромадларининг 8,3 фоизи тўғри келади. Омонатларда, қимматли қоғозларда жамғармаларни йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқа харажатларнинг улуши 15,1 фоизни ташкил этди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

Январ–май	аҳоли пул да- ромад- лари, жами	(пул даромадларига нисбатан фоизда) улардан қуйидагиларга фойдала- нилди:			аҳоли пул қолди- ғининг ўзга- риши
		товар со- тиб олиш ва хиз- матларга тўловлар	мажбу- рий тў- ловлар ва бадал- ларни тўлаш	жамғармаларн и йиғиш, ва- люта харид қилиш ва бошқалар	
2009й.	100,0	76,2	8,1	13,9	1,8
2010й.	100,0	74,6	8,3	15,1	2,0

## Демография ва меҳнат бозори

Январ–июнда аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2009 йил	2010 йил
Туғилганлар	20,6	20,3
Ўлганлар	4,9	4,5
шу жумладан бир ёшгача болалар *)	11,6	11,2
Никоҳлар	7,2	7,8
Ажралишлар	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. Жорий йилнинг январ–июнида туғилиш даражаси 20,3 промиллени ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига (20,6) нисбатан 0,3 промиллега камайди.

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим даражаси 4,5 промиллени ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 промиллега камайди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,5 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,4 фоизи ўсма касалликларидан, 5,7 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилнинг январ–июнида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 3,7 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 2009 йил январ–июндаги 11,6 промилледан 11,2 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 47,3 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 32,7 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 7,9 фоизи туғма аномалиялардан ва 3,1 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

\*) ҳар 1000 та туғилганга

Никоҳ ва ажралишлар. Жорий йилнинг январ–июнида 108,5 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 8,5 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 7,8 (2009й. – 7,2) никоҳ ва 0,6 (2009й. – 0,6) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг I ярмида республика бўйича келганлар сони 67,2 минг кишини, кетганлар сони 83,6 минг кишини ташкил қилди. Аҳоли миграциясининг юқори даражаси Тошкент вилоятида (келганлар сони 9,1 минг киши, кетганлар сони 13,0 минг киши), Қорақалпоғистон Республикасида (7,4 минг киши, 13,0 минг киши) ва Тошкент шаҳрида (6,1 минг киши, 7,8 минг киши) кузатилди.

Миграция қолдиғи минус 16,4 минг кишини (2009 йилнинг шу даврида минус 20,0 минг киши) ташкил қилди.

Ишсизлик<sup>1)</sup>. Жорий йилнинг январ–июнида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 346,5 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга кўпдир.

Июн ойи охирида меҳнат бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганлар сони 26,2 минг нафарни (2009 йилнинг мос санасида 30,9 минг киши) ташкил этган.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрига – 3,2 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 12,1 фоизи), Қашқадарё вилоятига – 2,9 минг киши (11,2 фоизи), Фарғона вилоятига – 2,9 минг киши (11,0 фоизи), Сурхондарё вилоятига – 2,4 минг киши (9,1 фоиз), Андижон вилоятига – 2,3 минг киши (8,6 фоиз) тўғри келади.

Жорий йилнинг январ–июнида меҳнат бўлимлари томонидан 306,9 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 88,6 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 фоизга юқоридир.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

МИНГ КИШИ

---

<sup>1)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотида асосан.



